

81-П-СОҢЛИ ПУДРАТ ШАРТНОМА

Бухоро шаҳри

“16” Август 2022 йил

Кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб юритиладиган “Бухоро минтақавий йўлларга буюртмачи хизмати” ДУК номидан Устав асосида иш юритувчи директор **И.И.Амонов** бир томондан ва кейинги ўринларда «Пудратчи» деб юритиладиган **BUXORO SANOAT МЧЖ** номидан Устав асосида иш юритувчи директор **Ш.Усмонов** иккинчи томондан, Ўзбекистон Республикасининг “Давлат харидлари тўғрисида”ги 22.04.2021 йилдаги ЎРҚ-684 сонли Қонуни ва бошқа норматив ҳужжатлар талабларига мувофиқ ўтказилган танлов савдолари яқунлари (**2022 йил “12” августдаги «130858»-сон баённомаси (Лот№22110012130858)**)га асосан, **Бухоро шаҳар М.Ашрафий МФЙ Зебинисо кучаси ички автомобиль йўлини 0,340 км қисмини жорий таъмирлаш** (матнда бундан кейин “Объект” деб юритилади) ишларини бажаришга доир мазкур пудрат шартномасини туздилар.

I. ТАЪРИФЛАР

1.1. Мазкур шартномада қуйидаги тарифлар қўлланилади:

“ижро ҳужжатлари”: - натурада бажарилган ишлар ёки ишларни бажариш учун маъсул бўлган шахслар томонидан уларга киритилган ўзгаришларнинг ушбу ишчи чизмалар туркуми, сертификатлар, техник паспортлар ва ўрнатилган асбоб-ускуналарнинг сифатини ва ишларини бажаришда қўлланилган материаллар, конструкция ва деталларнинг сифатини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар, беркитиладиган ишлар (скрытые работы) тасдиқланганлиги тўғрисида далолатномалар, айрим маъсулиятли конструкциялар оралиқ даврда қабул қилиниши тўғрисида далолатномалар, монтаж қилинган асбоб-ускуналарнинг яқка тартибдаги синови тўғрисида далолатномалар, ишларни бажариш дафтарлари, муалифлик назорати дафтарлари (объектда муалифлик назорати юритиладиган тақдирда) ҳамда қурилиш нормалари ва қоидаларида назарда тутилган бошқа ҳужжатлар;

“қурилиш майдони”: Мазкур шартнома (контракт) доирасида барча ишларни бажариш даврида далолатнома бўйича Буюртмачи томонидан Пудратчига берилган ер участкаси. Объектнинг қурилиш майдони чегарасини ажратиб қўйилади ёки бош режага мувофиқ белгиланган бошқа белгилар билан белгилаб қўйилади.

“вақтинчалик ишлар”: Пудратчи томонидан қурилиш майдонида ўрнатиладиган ва ишлар бажариш учун зарур зарур бўлган ҳар типдаги вақтинчалик бинолар ва иншоотлар.

“беркитилган ишлар”: - сифати ва яқунлигини кейинги ишлар бажарилгандан кейин аниқлаш мумкин бўлмаган кейинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркитиладиган ишлар;

“норматив –техник ва ҳуқуқий ҳужжатлар”: - шаҳарсозлик, қурилиш, санитария, гигиена, ёнғинни олдини олиш соҳасида қабул қилинган ҳамда Объектни бошлашдан то ишга тушириш давригача бўлган даврда бажарилиши (риоя этилиши) лозим бўлган қоидаларни ўз ичига олган Ўзбекистон Республикаси норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амал қилувчи нормалар, қоидалар, стандартлар, техник шартлар, техник регламентлар, низомлар, йўриқномалар, кўрсатмалар (шу жумладан методик ва/ёки тавсиявий характердаги), нормативлар ва бошқа номланишдаги ҳужжатлар;

“ишларини бажариш жадвали”: - Шартномага илова қилинадиган ва унинг ажралмас қисми ҳисобланадиган, лойиҳа-смета ҳужжатлари, танлов ҳужжатларида кўрсатилган иш турлари ва номланиши (мазмун) бўйича йилнинг тегишли ойларда (кунлари) бажариладиган ҳажмлари ва қийматини акс эттирувчи жадвал (Илова № 1);

“молиялаштириш жадвали”: - Шартномага илова қилинадиган ва унинг ажралмас қисми ҳисобланадиган, шартномага асосан аванс (бўнак) тўловлари, жорий молиялаштириш ва якуни ҳисоб-китобларни амалга оширишнинг (бўлиб тўлашнинг) шартларини (энг кўп миқдорлари, муддатларини в.х.) акс эттирувчи жадвал (Илова № 2);

“форма №5”: - Тегишли ойда бажарилган ишларнинг турлари бўйича номланиши ва ҳажмини акс эттирувчи ҳамда шартноманинг 7.8-бандида кўрсатилган барча ҳужжатларни илова қилган ҳолда тузилган “Бажарилган ишларни қабул қилиш далолатномаси” (Форма №5). Бажарилган ишларни тўловга қабул қилиш фақат тўлиқ комплект ҳолда тайёрланган ва тақдим қилинган ҳужжатлар асосида амалга оширилади;

“форма №3”: - Тегишли ойда бажарилган ишларнинг қийматини акс эттирувчи “Бажарилган ишлар қиймати тўғрисидаги Маълумотнома-ҳисоб-фактура” (Форма №3);

шартномани нархини бўлиб чиқиш: ишларнинг ҳар бир босқичи ёки турлари қийматининг аниқ белгиланган ҳолда шартнома бўйича объектни умумий қийматини босқичларга тақсимлаш.

II. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

2.1. Мазкур шартнома шартларига мувофиқ Пудратчи Буюртмачининг топшириғига биноан **Бухоро шаҳар М.Ашрафий МФЙ Зебинисо кучаси ички автомобиль йўлини 0,340 км қисмини жорий таъмирлаш** ишларини шартномага мувофиқ бажариш ва унинг натижасини Буюртмачига белгиланган

муддатда топшириш мажбуриятини олади, Буюртмачи эса ишни бажариш учун зарур шароит яратиб бериш, ишни қабул қилиш ва шартномага мувофиқ келишилган ҳақни тўлаш мажбуриятини олади.

2.2. Пудратчи “Объект” бўйича ишлаб чиқилган ва тасдиқланган Лойиҳа ҳужжатларини тўлиқ ҳажмда ўрганиб чиққан ва унинг мазмунини бўйича Буюртмачи ёки 3-шахсларга Пудратчининг ҳеч қандай эътирози мавжуд эмас.

2.3. Буюртмачи топшириғига мувофиқ лойиҳа-смета ҳужжатлари, танлов ҳужжатларида кўрсатилган ишлар “Ишларни бажариш жадвали”да келишилган муддатда, ҳажмда бажарилади.

2.4. Пудратчи ишларни бажариш муддатларини етарли даражада баҳолаган ҳамда ушбу муддатни Шартнома бўйича барча ишларни амалга ошириш учун етарли деб ҳисоблайди. Пудратчи шартномани ижро қилиш билан боғлиқ ҳар қандай тайёргарлик ишларини амалга ошириши, тегишли идоралардан ҳар қандай зарурий келишувларни, ёки бошқа рухсат берувчи ҳужжатларни олишга қаратилган ҳаракатларни ишлар амалга ошириш ва тамомлаш муддатлари доирасида амалга оширади. Мазкур бандда кўрсатилган ҳолатлар шартнома имзолангунга қадар Пудратчи томонидан ҳисобга олинган ва шартнома бўйича бажарилиши лозим бўлган ишлар шартнома ва унинг иловаларида кўрсатилган муддатларга ва/ёки ишларни якунлашнинг охириг муддатларига қараганда кечиктирилганда, Буюртмачининг эътирозлари ва талабномаларига қарши муддат бузилиши учун уларни ваҳ ёки сабаб сифатида келтиришга ҳақли эмас.

III. ШАРТНОМА БЎЙИЧА ИШЛАР ҚИЙМАТИ

3.1. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи томонидан бажарилаган танлов натижасида аниқланган ва танлов комиссиясининг қарори (2022 йил “12” августдаги «130858»-сон баённомаси (Лот№22110012130858)) билан тасдиқланган ишлар қиймати барча солиқлар, йиғимлар ва ажратмаларини ўз ичига олган ҳолда жорий нархларда **186586702 (Бир юз саксон олти миллион беш юз саксон олти минг етти юз икки сўм)** сўмни ташкил этади.

3.2. Ишлар қиймати Шартноманинг амал қилиш ва ижро қилиш муддати давомида узил-кесил белгиланган ва шартномада назарда тутилган ҳоллардан ташқари қайта кўриб чиқилиши мумкин эмас. Қуйидаги ҳоллар бундан мустасно:

- қурилиш қийматини кўпайтиришга енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб бўлганда;
- ишлар ҳажми Буюртмачи томонидан ўзгартирилганда;
- объектнинг қурилиши бир йилдан ортиққа ўзгартирилганда.

3.3. Қурилиш муддати бир йилдан ортиқ бўлганда иккинчи йилга ва кейинги йилларга шартномавий нархларни аниқлаштириш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

3.4. Тегишли асослар мавжуд бўлганда, санаб ўтилган ўзгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги шартномага қўшимча битим билан расмийлаштирилади.

3.5. Тўловлар Ўзбекистон Республикасининг миллий валютаси “Сўм”да Пудратчининг шартномада тўлов реквизитларига нақдсиз шаклда, пул кўчириш йўли билан амалга оширилади.

3.6. Мазкур шартноманинг баҳоси амалдаги қонунчилик бўйича тўланиши лозим бўлган барча солиқлар, йиғимлар ва ажратмаларни ўз ичига олган ҳамда Пудратчининг мазкур шартномани бажариши учун зарур бўлган барча харажатлари (шу жумладан шартномага илова қилинган лойиҳа-сметада ва танлов ҳужжатларида кўрсатилган барча ишларни бажариш қийматини, товар моддий бойликлар (материаллар) қийматини, ишчи кучини жалб қилиш ва унинг ҳаққини тўлаш харажатларини, транспорт (махсус) харажатларини, коммунал, кўриқлаш, техника ҳавфсизлиги чораларини кўриш, шартномавий мажбуриятларни бажариш ва бошқа ҳар қандай харажатларини) қоплаш учун етарли деб ҳисоблаб, шартнома имзоланган.

3.7. Пудратчи ишларни бажариш муддатлари ва қийматига таъсир қилиши мумкин бўлган барча ҳолатлар ва шартларни, жумладан, ер қатламлари, табиий-иқлим, сейсмик, ер ости сувлари шароитларини, ишларни бажаришга таъсир қилиши мумкин бўлган бошқа аспектларни, ўзининг харажатлари ва даромадларини инобатга олган ҳолда ишларни амалга ошириш хусусиятлари ва моҳиятини тўлиқ ўрганган ва келажакда мазкур ҳолатлар билан боғлиқ лойиҳа-смета ҳужжатлари ва мазкур шартномада назарда тутилмаган ишлар учун тўловларни талаб қилишга ҳақли эмас.

3.8. Пудратчининг айби билан ёки у жавобгар ва/ёки масъул бўлган ҳолат туфайли бажарилган ишлар ҳажми ва қиймати ошиб кетганда уларнинг қиймати Буюртмачи томонидан қопланмайди.

3.9. Буюртмачи Пудратчининг солиқ ва мажбурий тўловларни нотўғри ҳисоблаганлиги учун жавобгар бўлмайди.

3.10. Шартнома шартлари, лойиҳа-смета ҳужжатлари, танлов ҳужжатлари, норматив-техник ва ҳуқуқий ҳужжатлар талабларидан четга чиқилган ҳолда бажарилган ишлар Пудратчи ва Буюртмачи ўртасида тузиладиган далолатнома билан расмийлаштирилади ва аниқланган камчиликлар, дефектлар бартараф қилинмагунга қадар ишлар бўйича тўлов амалга оширилмайди.

3.11. Шартнома бўйича бажарилган ишлар учун тўловлар **Республика бюджет** (молиялаштириш манбаи) маблағлари (матнда бундан кейин “Бюджет маблағлари” деб юритилади) ҳисобидан амалга оширилади.

Мазкур Шартнома шартларига мувофиқ давлат бюджетидан Буюртмачи томонидан пул маблағлари олиниши ва тўланишини таъминланиши, қатъий равишда тегишли молия йилида “Объект” учун, бюджет тўғрисидаги қонунчиликка мувофиқ, тасдиқланган бюджет маблағларининг ойлар ва йил кесимидаги лимитлари доирасида амалга оширилади.

3.12. Тўловлар амалга оширилган вақт : Буюртмачига “Объект” учун очилган **махсус ғазна ҳисоб рақамидан** пул маблағлари ўчирилган сана.

3.13. Буюртмачи Пудратчидан тегишли йил учун аванс(бўнак) тўловлари амалга оширилмасдан олдин ишларни бошлашни талаб қилишга ҳақли эмас. Аванс тўловлари амалга оширилишини кутмасдан бошланган ва бажарилган ишларнинг тўловга қабул қилиниши ва тўловларни амалга оширилиши, тегишли бюджет маблағлари Буюртмачининг ғазна ҳисоб-рақамида шакллантириш (кўчириб берилгунга) муддатига узайтирилади.

3.14. Амалдаги қонунчиликка мувофиқ, Пудратчи томонидан тўланиши лозим бўлган солиқ ва бошқа мажбурий тўловларидан мавжуд қарздорлик ҳисобига ваколатли солиқ ёки бошқа органлар томонидан ундириб олинган суммалар, Буюртмачи томонидан Пудратчига тўланиши лозим бўлган бажарилган ишлар қийматидан чегириб қолинади.

IV. ПУДРАТЧИНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

4.1. Мазкур шартнома бўйича **Пудратчи** шартноманинг II-бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун **қуйидаги мажбуриятни олади:**

4.1.1. барча ишларни мазкур шартномада ҳамда ишларни бажариш жадвалида назарда тутилган ҳажмда ва муддатларда Объект нархидаги ишларни энг камида **50% ни** ўзининг кучлари билан бажариш ҳамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофиқ топшириш;

4.1.2. Бунда бажариш жадвалига мувофиқ тегишли ойда бажарилиши лозим бўлган қурилиш-монтаж ишлари тегишли ишлар бажарилиши лозим бўлган ойнинг 25-санасидан кечиктирмасдан “Буюртмачи”га Форма№5 ва Форма№3 билан топширилиши лозим.

4.1.3. қурилиш-монтаж ишлари бошланишидан олдин объектда қурилиш ишларини олиб бориш даври учун, қурилатган, реконструкция қилинаётган ёки таъмирланаётган йўл қисмини ва ундаги мавжуд йўл элементларини ўрнатилган тартибда далолатнома асосида йўлдан фойдаланувчи ташкилотдан қабул қилиб олиш ва қурилиш-монтаж ишлари яқунлангандан сўнг фойдаланувчи ташкилотга топшириш;

4.1.4. объектга зарур қурилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, қурилиш техникасини етказиб бериш, уларни қабул қилиш, тушириш, оморга жойлаш ва сақлаш;

4.1.5. зарур холларда қурилиш майдони худудида вақтинчалик иншоотлар қуриш;

4.1.6. қурилиш жараёнида жалб қилинган ишчи ходимларни белгиланган тартибда расмийлаштириб, ижтимоий ҳимояси ва техник ҳафсизлигини таъминлаш;

4.1.7. қурилиш майдонида техника ҳафсизлиги, ишларни бажариш вақтида атроф муҳитни, ўтқазилган дарахтларни ва ер участкасини муҳофаза қилиш бўйича зарур тадбирлар бажарилишини мунтазам таъминлаш, шунингдек ёритиш чироқлари ўрнатиш;

4.1.8. қурилиш таваккалчиликларини суғурта қилиш;

4.1.9. мазкур шартнома бўйича объектни фойдаланишга қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб бир ой муддатда қурилиш майдонини ўзига тегишли қурилиш машиналари ва асбоб-ускуналари, транспорт воситалари, анжомлар, приборлар, инвентарлар, қурилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар ҳамда вақтинчалик бинолардан бўшатиш;

4.1.10. қурилиш майдони кўриқланишини таъминлаш;

4.1.11. Қурилиш-монтаж ишларини Шартнома шартларига, унинг иловаларига, лойиҳа-смета ҳужжатларига, танлов ҳужжатларига, норматив–техник ва ҳуқуқий ҳужжатлар, шунингдек Буюртмачининг, қурилиш соҳасида назорат қилувчи, руҳсат берувчи тартиб таомилларни амалга оширувчи орган ва ташкилотларнинг талабларига, кўрсатмаларига мувофиқ сифатли амалга ошириши ва Буюртмачига топшириши;

4.1.12. Шартноманинг ишларни бажариш билан боғлиқ барча шартлари, Шартноманинг иловалари билан тўлиқ танишиш ва ўрганиш, ишларнинг амалга ошириш яқунлаш муддатлари, қиймати ва сифатига таъсир қилиши мумкин бўлган барча масалалар бўйича тўлиқ маълумот олиш ва танишиб чиқиш мажбуриятини, шартнома бўйича келишилган ишларни яқунлашнинг барча қийинчиликлари, харажатлари ва хавфини ўз зиммасига олади;

4.1.13. Шартнома изолангандан сўнг 5 кунлик муддатда мазкур шартномани ижро қилиш, ижро ҳужжатларни юритиш учун масъул ходимни тайинлаши ва Буюртмачига тегишли тасдиқловчи маълумотлар ва буйруқларни тақдим қилиши;

4.1.14. Шартнома бўйича ишларни лозим сифатда ва муддатда бажариш учун талаб даражасида билимга эга бўлган малакали ва тажрибали ходимлардан фойдаланиши;

4.1.15. Буюртмачининг талабига кўра ёрдамчи пудратчилари ҳақидаги маълумотларни тақдим қилиши;

- 4.1.16. Объектда ишларни олиб бориш журнали, ижро ҳужжатларининг мавжудлигини ва тўғри юритилишини таъминлаши;
- 4.1.17. Қурилишда сифати тегишли сертификатлар ёки бошқа ҳужжатлар билан тасдиқланган қурилиш материалларидан фойдаланиши;
- 4.1.18. Буюртмачининг бажарилаётган ишларнинг сифати, тўлиқлиги, шартнома шартларидан четга чиқиш ҳолатлари юзасидан қилган талабномаларини ўз ҳисобидан тўлиқ бартараф қилиши;
- 4.1.19. Буюртмачи вакили томонидан ишларнинг олиб борилиши, қулланилаётган қурилиш материаллари бўйича техник назорат олиб бориши учун шароит яратиши, имконият бериши ва Буюртмачи вакили талаб қилган маълумотларни унга тақдим қилиши;
- 4.1.20. Кейинги ишларни фақат беркиритилган ишларни қабул қилгандан ва тегишли расмийлаштирилгандан сўнг бошлаши;
- 4.1.21. Барча назорат қилувчи ва текширувчи органлар ва ташкилотларнинг кўрсатмаларини талаб қилинган муддатларда тўлиқ бажариши;
- 4.1.22. Бюджет маблағларини мақсадли ишлатилиши бўйича назорат қилувчи органлар ёки Буюртмачи томонидан ўрганиш ва текширишлар ўтказилганда, Объектда бажарилган ишлар юзасидан ҳужжатлар ва маълумотларни талаб қилинган муддатларда тақдим қилиши;
- 4.1.23. Объект бўйича давлат харидлари қондалари ва шартларини тўлиқ миқдорда бажаришга, шу жумладан амалдаги қонунчилик талабларида кўрсатилган суммадан кам бўлмаган маблағларни тақдим этишга чақириб олинмайдиган банк кафиллигини тақдим қилишга;
- 4.1.24. Мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни муддатида ва тўлиқ ҳажмда бажариши;
- 4.1.25. Объектда ишларни бажариш ва натижасини Буюртмачига топшириш билан боғлиқ Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилик талабларига риоя қилиш мажбуриятини ўз зиммасига олади.
- 4.2. **Пудратчи мазкур шартнома бўйича қуйидаги ҳуқуқларга эга:**
- 4.2.1. Ўзининг шартномавий мажбуриятларини лозим даражада бажариши билан боғлиқ масалалар бўйича Буюртмачига мурожаат қилишга;
- 4.2.2. Белгиланган тартибда рухсатнома ва лицензия (талаб қилинганда) эга бўлган ташкилотлар билан шартноманинг 4.1.1-бандида кўрсатилган иш ҳажмини бажариш учун ёрдамчи пудрат шартномаларини тузишга;
- 4.2.3. Шартномада белгиланган нархга нисбатан сифати ва ҳажмига таъсир қилмаган ҳолда тежалган маблағларни ўз тасарруфида қолдиришга;
- 4.2.4. Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигида берилган (бериладиган) ҳуқуқлари ва имтиёзларидан фойдаланишга ҳақли.
- 4.3. Бажарилган ва молиялаштириш учун қабул қилинган иш ҳажмларида арифметик хато ва бошқа камчиликларга йўл қўйилганлиги аниқланганда, кейинги ойлarda бажарилган иш ҳажмлари тегишли ўзгартиришлар киритилган ҳолда расмийлаштирилади.
- 4.4. Зарур ҳолларда айрим иш турларининг бажарилишида лойиҳа-смета ҳужжатлари ва танлов ҳужжатларида белгиланган машина-механизмлар ўрнига, ўриндош машина-механизмлардан фойдаланилиши, белгиланган сифат ва технологик жараённинг бузилмаслигини кўрсатувчи сифат лабораторияси хулосаси асосида амалга оширилиши мумкин.
- 4.5. Лойиҳа-смета ҳужжатларига асосан муҳандислик коммуникацияларини қуриш, кўчириш (газ, алоқа, сув, канализация, электр ўтказиш тармоқлари ва ҳаказо) назарда тутилган ҳолларда, махсус ёрдамчи пудрат ташкилотларини жалб қилган ҳолда қурилиш-монтаж ишлари бажарилиши мумкин.
- 4.6. Пудратчи мазкур шартнома бўйича барча ишларнинг ўз кучлари билан ва субпудратчилар томонидан (қурилиш ишларининг шартноманинг 4.1.1-бандида назарда тутилган миқдордандан кўп бўлмаган) зарур тарзда бажарилиши ҳамда объектнинг фойдаланишга тайёр ҳолда топширилиши учун Буюртмачи олдида тўлиқ мулкый жавоб беради.

V. БУЮРТМАЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

- 5.1. Мазкур шартномани бажариш учун **Буюртмачи қуйидаги мажбуриятни олади:**
- 5.1.1. ишларни бажариш учун шартноманинг 2.1-бандида кўрсатилган йўл объектларини қурилиш-монтаж ишлари даврига Пудратчига берилишини таъминлаш;
- 5.1.2. ишлар бажарилиши устидан доимий техник назоратини ва мазкур шартномада қайд этилган Пудратчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш;
- 5.1.3. Пудратчидан лозим даражада бажарилган/туғалланган (Шартнома шартлари, лойиҳа-смета ҳужжатлари, танлов ҳужжатлари, норматив-техник ва ҳуқуқий ҳужжатларда кўрсатилган талабларига жавоб берадиган) ишларни уларнинг ҳажми ва сифатини текшириб қабул қилиб олиш;
- 5.1.4. Пудратчининг барча мурожаатларини шартноманинг 15.2-бандида кўрсатилган муддатда кўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш;
- 5.1.5. Шартноманинг VII-бўлимига мувофиқ аванс (бўнак) тўловларини, Пудратчи томонидан лозим даражада бажарилган ва текшириб қабул қилинган ишлар учун жорий молиялаштиришни ва якуний ҳисоб-

китобни шартномада назарда тутилган молиялаштириш шартларига рияз қилган ҳолда (ойлар ва йил кесимида ажратилган лимит доирасида) амалга ошириш;

5.1.6. мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб, бир ой давомида пудратчига пудрат ишларини қабул қилиш учун зарур бўлган ижро ҳужжатлари рўйхатини тақдим этиш;

5.1.7. мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини олади.

5.2. Буюртмачининг ҳуқуқлари:

5.2.1. Пудратчининг оператив-хўжалик фаолиятига аралашмаган ҳолда бажарилаётган ишлар бориши ва сифати устидан, ишларни бажариш жадвалида назарда тутилган муддатларга рияз қилиниши, қурилиш материаларининг сифати талаб даражасида эканлиги устидан назорат олиб бориши ва текширишга ҳақли. Агар бундан назорат ва текширувлар натижасида ишлар лозим даражада ва/ёки Шартномада келишилган муддатларда бажарилмаслиги аниқ бўлса, Пудратчидан мавжуд камчиликларни муддат белгилаган ҳолда бартараф қилишни талаб қилишга;

5.2.2. Қурилиш-монтаж ишлари олиб борилаётган исталган вақтда Пудратчидан ишларнинг бориши ҳақида ёзма мониторинг маълумотларини, ижро ҳужжатларини талаб қилишга ҳақли. Пудратчи Буюртмачининг ушбу талабига мувофиқ 3 кунлик муддатда тегишли ҳужжатларни ва маълумотларни тақдим қилишга мажбур; Пудратчи томонидан бажарилган ишларни тасдиқловчи ҳужжатлар ва материаллар амалдаги қонунчилик билан ўрнатилган шаклда расмийлаштирилган бўлиши лозим;

5.2.3. Пудратчидан зиммасига олган мажбуриятларини лозим даражада бажаришини талаб қилишга;

5.2.4. Объект қурилиши билан боғлиқ тезкор йиғилишларда қанташиш учун Пудратчи вакилини чақиришга;

5.2.5. Ишлар Шартнома шартлари, лойиха-смета ҳужжатлари, танлов ҳужжатлари, Ўзбекистон Республикасида амалда бўлган қурилиш соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ва техник ҳужжатлар талабларидан четга чиққан ҳолда бажарилган тақдирда, ёки бажарилаётган ишлар яроқлилиги ва мустақкамлиги, одамлар ҳаёти ва соғлиғига, юридик ва жисмоний шахсларнинг мулкига, атроф муҳитга хавф туғдирса, Пудратчини ёзма равишда оғихлантириб, ишларни тўхтатиб қўйишга; Агар ишлар Пудратчининг айби билан тўхтатилган бўлса, Пудратчи ишларни яқунлаш муддатларининг бузилиши учун жавобгарликдан озод қилинмайди;

5.2.6. Мазкур шартномада назарда тутилган бошқа ваколатларни амалга оширишга.

VI. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ МУДДАТЛАРИ

6.1. Шартнома миллий валюта (сўмда) ўзаро ҳисоб-китоб қилинганда томонлар учун имзоланган пайтдан бошлаб, кейинчалик ЭАВ га конвертация қилган ҳолда миллий валютада (сўмда) ўзаро ҳисоб-китоб қилинганда шартнома қонун ҳужжатларга мувофиқ рўйхатдан ўтказилгандан кейин кучга киради.

6.2. Пудратчи молиялаштириш жадвалига мувофиқ, биринчи аванс тўлови тушган кундан бошлаб ишларни бажаришга киришади.

6.3. Қурилишнинг давом этиш вақти: шартноманинг 6.2-бандига мувофиқ ишларни бажариш бошланган кундан эътиборан **15** кунни ташкил этади. Шартнома бўйича молиялаштириш бюджетдан молиялаштириш лимитлари ва муддатлари билан боғлиқ ҳолда (лимитларни қайта тассимлаш в.х.) кечиктирилган тақдирда, ишларни яқунлаш муддати ҳам тегишлича узайтирилиши мумкин.

6.4. Мазкур шартнома бўйича ишлар, ишларни бажариш жадвалига мувофиқ амалга оширилади.

VII. ТЎЛОВ ВА ХИСОБ КИТОБЛАР

7.1. Буюртмачи Пудратчига шартнома бўйича ишлар умумий қийматининг 30% миқдорида, аванс ўтказида, бу **55976010,6(Эллиқ беш миллион тўққиз юз етмиш олти минг ўн сўм)** сўмни ташкил этади.

7.2. Буюртмачи томонидан Пудратчига аванс бериш, жорий молиялаштириш ва якуний ҳисоб-китоблар молиялаштириш жадвали, Шартноманинг молиялаштириш билан боғлиқ бошқа шартларига мувофиқ (ойлар ва йиллар кесимида ажратилган лимит доирасида) амалга оширилади.

7.3. Жорий молиялаштириш бажарилган ишлар сифати ва ҳажми текширилгандан кейин, берилган авансни ҳисобга олган ҳолда, ишларни бажариш ва молиялаштириш жадвалларига мувофиқ объектнинг умумий шартномавий жорий қийматнинг 95% гача доирасида амалга оширилади.

7.4. Объектнинг шартномавий жорий қийматнинг қолган қисми Буюртмачи ва Пудратчи ўртасидаги узил-кесил ҳисоб-китоб қурилиш тугаллангандан кейин ва объект қабул комиссияси томонидан белгиланган тартибда қабул қилингандан кейин ёки мазкур шартномада белгиланган кафолат муддати тамом бўлгандан кейин ишлар қийматининг 5% гача миқдорида, амалга оширилади:

7.5. Пудратчи объект фойдаланишга топширилгунга қадар мазкур шартнома бўйича мулк ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади. Объектнинг Буюртмачига топширилгунга қадар, объектнинг тасодифий йўқ қилиниши ва шикастланиши хавфи Пудратчининг зиммасида бўлади.

7.6. Буюртмачи мазкур шартнома бўйича ўз зиммасига қабул қилган мажбуриятларни шартнома кучга кирган кундан бошлаб 30 кун мобайнида бажармаган тақдирда, Пудратчи бу ҳақда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Буюртмачини ёзма равишда хабардор қилган ҳолда, шартномага ўзгартиришлар киритиш ёки шартномани бир томонлама тартибда бекор қилиш ҳуқуқига эгадир. Бундан Буюртмачи пудратчи томонидан бажарилган ишлар учун ҳақ тўлашдан озод қилинмайди.

7.7. Пудратчи томонидан бажарилган ишлар қийматини тўлаш учун шартнома тарафлари ўртасида ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ҳамда имзоланган Форма №5 ҳамда Форма №3 асос бўлади. Хужжатлар барча иловалари билан тўлиқ комплект ҳолатда тақдим қилингандан ва Буюртмачи томонидан текширилгандан сўнг, молиялаштириш жадвали ва Шартноманинг молиялаштириш шартларига мувофиқ (ойлар ва йиллар кесимида ажратилган лимит доирасида) молиялаштирилади.

7.8. Пудратчи тегишли бажарилган ишлар учун ҳар ойнинг 25 санасидан кечиктирмай қуйидаги хужжатлар тўпламини Буюртмачига тақдим қилиши шарт:

7.8.1. Форма №5 кўрсатилган ҳар бир иш тури бўйича ишларни бошлашдан олдинги ҳолат, иш жараёнидаги ҳолат ва ишларни (босқични) тамомлаш ҳолатларини акс эттирувчи рангли фото материаллар (ҳар биридан 5 тадан);

7.8.2. Шаҳарсозлик ва қурилиш норма ва қоидаларида назарда тутилган ижро хужжатлари (шу жумладан, ишлатилган материаллар ҳисоб-варақ фактуралари, қурилиш монтаж ишларини бажариш жараёнида юритиладиган журналлари (шу жумладан муаллифлик назорати журнали), мувофиқлик сертификатлари, паспортлари, лаборатория хулосалари ва далолатномалари, ижро схемалари, ёпиқ ишлар далолатномаси в.б.) 2 нусхада (1 нусха Буюртмачи учун, 1 нусха муаллифлик назоратини олиб борувчи Лойиҳа ташкилоти учун);

7.9. Буюртмачи, зарурат бўлганда бошқа манфаатдор ва/ёки назорат қилувчи идоралар билан биргаликда, шартноманинг 7.7 ва 7.8-бандларида кўрсатилган хужжатлардаги бажарилган ишлар ҳақидаги маълумотлар ҳаққонийлигини **10 кун** муддатда текширади ва натижаси бўйича тақдим қилинган хужжатларни имзолайди ёки Шартноманинг XV-бўлимига мувофиқ, асослантирилган эътирозларини ва уларни бартараф қилиш муддатларини кўрсатган ҳолда имзолашни рад қилади. Буюртмачи томонидан билдирилган эътирозлар Пудратчи учун мажбурий ва талаб қилинган муддатларда Пудратчи ҳисобидан бартараф қилиниши керак.

7.10. Пудратчи Буюртмачига ҳар ойнинг 2-кунида бир марта ёзма ва электрон шаклда амалга оширилган ва режалаштирилган ишлар бўйича тезкор ҳисоботлар (ёзма мониторинг ахборотлар)ни тақдим қилиб боради.

7.11. Пудратчи томонидан Шартнома бўйича бажарилган ишларини Шартнома шартлари ва норматив-техник ва ҳуқуқий хужжатлар талабларига мувофиқлигини текшириш учун, (зарурат бўлганда) Буюртмачи Пудратчи ва бошқа манфаатдор ташкилотлар вакиллари иштирокида назорат ўлчов тадбирларини амалга оширишга ҳақли.

Назорат ўлчов тадбирларида Пудратчи иштирок қилишдан воз кечиши ёки назорат ўлчов далолатномасини имзо қўйишдан бош тортиши ишларни қабул қилишни ва тўловларни амалга оширишни рад қилиш учун асос бўлади.

Назорат ўлчовларда иштирок қилиш учун Пудратчини чақириш мазкур Шартноманинг XV- бўлимида назарда тутилган тартиб бўйича амалга оширилади.

Пудратчи назорат ўлчов далолатномасини имзо қўйишдан бўйин товлаган тақдирда, Буюртмачи далолатномани бир томонлама имзолаб, расмийлаштиришга ҳақли. Бундан ҳолатда Буюртмачи ишларни қабул қилишни ва тўлов учун тақдим қилинган хужжатларда кўрсатилган суммаларни тўлашни рад қилади.

7.12. Пудратчи томонидан бажарилган ишлар қийматини тўлаш учун тақдим қилган хужжатлардаги (шартноманинг 7.7-бандида назарда тутилган хужжатлар) маълумотлар ҳақиқатда бажарилган ишлар ҳажмидан ва шартнома шартларига мувофиқ тўланиши лозим бўлган қийматидан фарқ қилганда, Буюртмачи зудлик билан бу ҳақда Пудратчини огоҳлантиради ва Пудратчи томонидан тегишли тузатишлар ва ўзгартиришлар киритилмагунча ушбу хужжатларни имзоламайди.

Буюртмачининг тўловга тақдим қилинган хужжатларидаги камчиликлар бўйича эътироз билдириш ҳуқуқи улар имзолангандан сўнг ҳам (шу жумладан ваколатли назорат қилувчи органлар томонидан назорат/текшириш жараёнида камчиликлар аниқланганда, сифати ва миқдори бўйича эътирозлар билдирилганда) сақланиб қолинади.

7.13. Пудратчи томонидан лойиҳа-смета хужжатлари, танлов хужжатлари, техник шартлар, норматив–техник ва ҳуқуқий хужжатлар, шунингдек мазкур Шартнома шартларидан четга чиқиб бажарилган ишлар қиймати, тегишли камчиликлар Пудратчи томонидан тўлиқ бартараф қилинмагунча Буюртмачи томонидан тўланиши тўхтатиб турилади.

7.14. Бажарилган ишлар натижасини қабул қилиш жараёнида ёки ваколатли органлар ва ташкилотлар томонидан аниқланган камчиликлар бўйича Буюртмачи томонидан тегишли комиссия билдирилган эътироз ва аниқланган камчиликларни ҳамда уларни бартараф қилиш муддатларини кўрсатган ҳолда далолатнома тузилади. Буюртмачи томонидан далолатномада қайд қилинган эътирозлар Пудратчи учун мажбурий ва талаб қилинган муддатларда Пудратчи ҳисобидан бартараф қилиниши керак.

7.15. Пудратчи томонидан бажарилган ишларда Объектни мақсадли фойдаланиш имкониятидан маҳрум қиладиган даражада йўл қўйилган ва/ёки Пудратчи томонидан бартараф қилиб билмайдиган камчиликлар аниқланганда, Буюртмачи бажарилган ишлар қийматини тўлашни рад қилишга ҳақли.

7.16. Пудратчи Буюртмачининг талабига кўра 3 (уч) календар кун муддатда Объект қурилиши билан боғлиқ ёрдамчи пудратчилар билан тузилган шартномалар, товар-транспорт накладнойлари ва бошқа қилинган харажатларни тасдиқлайдиган ҳужжатларни тақдим қилишга мажбур.

7.17. Мазкур шартнома шартлари, лойиҳа-смета ҳужжатларида назарда тутилмаган ва Пудратчи томонидан амалга оширилган ишлар қиймати тўлаб берилмайди. Агар ушбу ишларни бажариш натижасида Объект бўйича лойиҳа ечимларининг бузилишига олиб келган тақдирда, бу камчиликлар Пудратчи томонидан ўз ҳисобидан тuzатилади.

7.18. Ишлар Пудратчи томонидан муддатидан олдин бажарилган тақдирда, уларнинг қиймати мазкур Шартнома шартларига мувофиқ, ойлар ва йил кесимида ажратилган лимит доирасида тўланади.

7.19. Пудратчи томонидан бажарилган ишларнинг мазкур шартнома шартлари ва норматив-техник ва ҳуқуқий ҳужжатларнинг талабларига мувофиқлигини текшириш учун Буюртмачи мустақил эксперт ташкилотини жалб қилиши мумкин.

7.20. Буюртмачи томонидан бажарилган ишларни қабул қилиш натижаси бўйича амалга оширилган ҳар қандай тўлов Пудратчини бажарилган ишларда аниқланган камчиликларни бартараф қилиш мажбуриятидан озод қилмайди.

7.21. Пудратчи томонидан мажбурият шартлари бажарилмаганда ёки лозим даражада бажарилмаганда, шартнома томонлари ўртасида далолатнома тузишлари ва ҳисобланган ва тўланиши лозим бўлган неустойка, етказилган зарар суммалари кўрсатилиши мумкин. Бундай ҳолатда ҳисобланган неустойка ва зарар суммалари Буюртмачи томонидан Шартнома бўйича амалга оширилиши лозим бўлган тўловлардан ушлаб қолган ҳолда амалга оширилади.

VIII. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ

8.1. Буюртмачи объектда ўз вакилини - техник кузатувчини тайинлайди, у Буюртмачининг номидан бажарилаётган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга оширади, шунингдек Пудратчи томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб-ускуналарнинг шартнома шартларига ва иш ҳужжатларига мувофиқлигини текширади.

8.2. Техник кузатувчи ишлар бажарилишининг ва шартноманинг бутун даври мобайнида ишларнинг барча турлари билан тўсиқсиз танишиш ҳуқуқига эгадир.

8.3. Пудратчи техник кузатувчини ишлаш учун жой билан ҳамда объектга келиб кетиши учун транспорт билан таъминлайди. Техник кузатувчи Объектда ишларни амалга ошириш чоғида пайдо бўлувчи масалаларни ҳал қилиш бўйича Пудратчи томонидан ўтказиладиган йиғилишларда мунтазам равишда қатнашади.

8.4. Пудратчи ишларни бажариш лойиҳасига ва мазкур шартноманинг VI-бўлимида кўрсатилган муддатлар билан мувофиқлаштирилган ўз режаси ва жадвалига биноан объектда ишларни бажаришни мустақил равишда ташкил этади.

8.5. Пудратчи объектда бажарилган ишларнинг ҳажмларини бажариш ҳужжатларини, қилинган сарф-харажатларни Буюртмачи томонидан мазкур объект учун бириктирилган техник кузатувчи билан ҳар ойнинг 25-кунидан ойнанинг охиригача объектнинг ўзида кўриб чиқади ва тўлиқ маълумотни (белгиланган шаклларда ижро ҳужжатлари билан) кейинги ойнанинг биринчи кунига қадар Буюртмачига топширади.

Бажарилган ва молиялаштириш учун қабул қилинган иш ҳажмларида арифметик хато ва бошқа камчиликларга йўл қўйилганлиги аниқланганда, кейинги ойларда шартнома амал қилиш муддатидан кечикмаган ҳолда бажарилган иш ҳажмлари тегишли ўзгартиришлар (корректировка) киритилган ҳолда расмийлаштирилади.

8.6. Пудратчи объектда ишларни олиб бориш тартибини норматив ҳужжатлар талабидан келиб чиққан ҳолда қурилиш монтаж ишлари сифати устидан давлат назоратини ўтказувчи ташкилот билан келишади ва унга риоя этилиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

8.7. Объектда умумий тартибни таъминлаш Пудратчининг вазифаси ҳисобланади.

8.8. Буюртмачи-Лойиҳачи қурилиш майдонини бериш тўғрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда қурилиш майдонини белгилаш бўйича ишларни бажариш ва объектни привязка қилиш учун Пудратчига геодезия нуқталари, уларнинг координатлари ва баландлик белгиларини тақдим этади.

8.9. Пудратчи геодезия нуқталарига, линиялар ва даражаларга нисбатан объектнинг тўғри ва зарур тарзда белгиланиши, шунингдек баландлик белгилари, ўлчамлари ва бўлиш ўқларининг мувофиқлиги тўғри жойлашганлиги учун жавоб беради.

Агар ишларни бажариш жараёнида амалга оширилган разбивка ва геодезия ишларида хатолар аниқланса, Пудратчи Буюртмачи билан келишган ҳолда тегишли тузатишларни ўз ҳисобидан киритади.

8.10. Пудратчи геодезия бўлиш ишларида ўрнатиладиган координатлар ва баландликлар, геодезия белгиларининг жойлашиши схемалари ва жадвалларини сақлайди, ишларни бажариш даврида ва улар тугаллангандан кейин уларни далолатнома бўйича Буюртмачига беради.

8.11. Курилиш майдонида ишларни бажариш даврида коммуникацияларни вақтинча улашни ва улаш нуқталарида янгидан қурилган коммуникацияларни улашни Пудратчи амалга оширади.

8.12. Пудратчи ўзи томонидан қурилишда қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкциялар ва тизимлар сифати лойиҳа ҳужжатларида кўрсатилган спецификацияларга, техник регламентларга ёки стандартларга мувофиқ бўлишини ҳамда уларнинг сифатини тасдиқловчи тегишли сертификатларга, техник паспортларга ёки бошқа ҳужжатларга эга бўлишини кафолатлайди.

8.13. Алоҳида масъулиятли конструкциялар ва беркитиладиган ишлар тайёр бўлишига қараб уларни қабул қилиш бошланишидан 2 кун олдин Пудратчи Буюртмачини, Муаллифлик назорати вакилини (Агар муаллифлик назорати олиб борилаётган бўлса) ва норматив ҳужжатлар талабидан келиб чиққан ҳолда қурилиш монтаж ишлари сифати устидан давлат назоратини ўтказувчи ташкилотни ёзма равишда хабардор қилиши шарт.

8.14. Қабул қилинадиган конструкциялар ва ишларнинг тайёрлиги ҳамда бажарилганлиги Буюртмачи ва Пудратчи томонидан беркитиладиган ишларни текшириш ва/ёки масъул конструкцияларни оралик қабул қилиш далолатномалари ҳамда норматив ҳужжатлар талабидан келиб чиққан ҳолда қурилиш монтаж ишлари сифати устидан давлат назоратини ўтказувчи ташкилотни билан келишган шартларида беркитиладиган ишлар текшируви далолатномалари билан расмийлаштирилади. Агар Пудратчи томонидан Буюртмачини тегишли тартибда ва муддатда огоҳлантиришига қарамадан Буюртмачининг вакили беркитиладиган ишларни ва муҳим конструкцияларни оралик қабул қилишда қанташмаса, Пудратчи бир томонлама далолатнома тузади ва тегишли ишларнинг бажарилишини тасдиқловчи камида 5 тадан фоторасмларни илова қилади. Бундай ҳолатда яширин ишларни қайта очиш ва тиклаш ишлари Буюртмачи талабига кўра бажарилганда Буюртмачининг ҳисобидан амалга оширилади.

8.15. Беркитиладиган ишларни уларнинг ҳар бир тури (босқичи) бўйича қабул қилиб олиш уларнинг кейинги тур (босқич) ишлари бошлангунга қадар бажарилишига қараб амалга оширилади.

8.16. Ишларни қуйидаги таркибдаги комиссия қабул қилиб олади:

Буюртмачининг вакили – техник назоратчи (раис), пудратчи ташкилот вакили – иш бажарувчи ёки уста, лаборант ва геодезист (зарур ҳолларда), йўлга хизмат кўрсатадиган йўл ташкилоти вакили, лойиҳа ташкилоти вакили (кўтариб турувчи конструкцияларни қабул қилиб олишда).

Беркитиладиган ишларни қабул қилиб олиш натижалари ўрнатилган шакл бўйича далолатнома билан расмийлаштирилади, унда қабул қилинадиган ишларнинг лойиҳа, норматив-техник ҳужжатлар, стандартлар талабларига мувофиқлик даражаси акс эттирилади, шунингдек қабул қилинадиган ишларга баҳо ва ишларнинг кейинги турларини бажаришга рухсат берилади. Далолатномага ўлчовлар қайдномаси ва лаборатория ҳулосаси натижалари илова қилинади.

Қурилиш ишлари жараёнида технологик жараён олиб борилишининг тўғрилиги, бажариладиган ишлар ҳамда фойдаланиладиган материалларнинг сифати юзасидан техник назоратни амалга ошириш, шунингдек беркитиладиган ва оралик ишларни қабул қилиб олишда Буюртмачи томонидан комиссия таркибида иштирок этиш учун ушбу объектга хизмат кўрсатадиган йўл ташкилоти жалб этилиши мумкин.

Объектнинг бажарилган ишлари ва тугалланган объектларини ойлик (оралик) қабул қилиб олиш буюртмачи ва пудратчи томонидан расмийлаштирилади. Бажарилган ишлар ва объектнинг тугалланган конструктив элементларини ойлик (оралик) қабул қилиб олиш натижалари белгиланган шаклда маълумотнома-ҳисоб-фактура билан, миқдор ва қиймат кўрсаткичлари ҳисоб-китоб жадвалида акс эттирилган ҳолда белгиланган шаклда расмийлаштирилади.

8.17. Пудратчи Буюртмачининг ишларни бажариш дафтарига киритилган ёзма рухсатномасидан кейингина кейинги ишларни бажаришга киришади.

8.18. Агар беркитиладиган ишлар Буюртмачининг тасдиғисиз бажарилган бўлса ёки у бу ҳақда хабардор қилинмаган бўлса, ёки кечикиб хабардор қилинган бўлса, у ҳолда унинг талаби бўйича Пудратчи Буюртмачининг кўрсатмасига мувофиқ беркитиладиган ишларнинг исталган қисмини ўз ҳисобидан очишга, сўнгра эса уни тиклашга мажбурдир.

Пудратчи Буюртмачининг манфаатларига жиддий таъсир қилмайдиган иш ҳужжатларидан майда четга чиқишларни Буюртмачининг розилиғисиз амалга оширса, у агар буларнинг қурилиш сифатига таъсир этмаганлигини исботласа жавобгар ҳисобланмайди.

8.19. Агар Буюртмачи Пудратчи ва (ёки) унинг субпудратчилари томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганлигини аниқласа, у ҳолда Пудратчи ўз кучлари билан ва қурилиш қийматини кўпайтирмасдан ушбу ишларни уларнинг зарур сифатини таъминлаш учун келишилган муддатда қайта бажаришга мажбурдир, ушбу шартномада ёки қонунчиликда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Агар Пудратчи сифатсиз бажарилган ишларни келишилган муддатларда тузата олмаса, Пудратчи уларни тузатишнинг кечикиши оқибатида етказилган зарарларни Буюртмачига тўлайди.

8.20. Пудратчи қурилиш майдонини ва унга туташ йўл участкалари ва йўлакларнинг озодалигини таъминлайди.

8.21. Ишлар бошланган пайдан бошлаб улар тугаллангунгача Пудратчи ишларни бажариш дафтарини юритади. Дафтарда бутун ишларнинг бориши, Буюртмачи ва Пудратчининг ўзаро муносабатларида аҳамиятга эга бўлган ҳоллар ва ҳолатлар (ишларнинг бошланиши ва тамом бўлиши санаси, ишларнинг қабул қилиб олинishi, ўтказилган синовлар, қурилиш техникасининг ишдан чиқиши тўғрисидаги маълумотлар, кунлик ўртача ҳаво ҳарорати ва ёгингарчиликлар, шунингдек қурилишни тугаллашнинг узил-кесил муддатига таъсир қилиши мумкин бўлган барча маълумотлар, шунингдек объектга қабул қилинаётган асфальтобетон махсулотининг заводдан чиқиш ҳарорати ва йулга қабул қилинаётган ҳарорати) акс эттирилади.

8.22. Агар Буюртмачи ишларнинг бориши ва сифатидан ёки Пудратчининг қайдларидан қониқмаса, у ҳолда ишларни бажариш дафтариди, агар дафтар юритилмаган бўлса ёки тақдим қилинмаса, алоҳида расмийлаштириладиган ёзма кўрсатмада ўз фикрини баён қилади.

8.23. Пудратчи дафтарда ёки алоҳида расмийлаштирилган ёзма кўрсатмада Буюртмачи томонидан асосли равишда кўрсатилган камчиликларни 7 кун муддатда бартараф этиш чора-тадбирларини кўриш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

IX. ИШЛАРНИ ҚЎРИҚЛАШ

9.1. Пудратчи ишлар бошланишидан қурилиш тугаллангунгача ва қурилиши тугалланган объект Буюртмачи томонидан қабул қилиб олингунга қадар қурилиш майдони ҳудудида материаллар, асбоб-ускуналар, қурилиш техникаси ва бошқа мол-мулк зарур даражада қўриқланишини таъминлайди.

9.2. Материаллар, асбоб-ускуналар ва бошқа мол-мулк объект шартноманинг XI-бўлимига мувофиқ қабул қилиб олинганидан кейин сақланиши учун Буюртмачи жавоб беради.

X. ЕНГИБ БЎЛМАЙДИГАН КУЧ (ФОРС-МАЖОР) ҲОЛАТЛАРИ

10.1. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги форс-мажор ҳолатлари (фавқулотда вазиятлар, фавқулотда ҳолат, юқори турувчи давлат органларининг қарори ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч) натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай қисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Пудратчининг мазкур шартномани бажариш учун бошқа шартлашуви шериклари томонидан мажбуриятларнинг бузилиши, мажбуриятни бажариш учун зарур товарларнинг бозорда йўқлиги, Пудратчида зарур пул маблағларининг бўлмаганлиги форс-мажор ҳолатларига кирмайди.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вақтга мутаносиб равишда узайтирилади.

10.2. Буюртмачи тўловларни амалга ошириш мажбурияти қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги бюджет (мақсадли жамғармалар) маблағларини тақсимловчи органлар, мансабдор шахслар, ташкилот ва идораларнинг Объект учун молиялаштириш лимитларини ажратиш масалалари бўйича қабул қиладиган (ёки қабул қилмаётган) қарорлари натижасида келиб чиқса ва бу ҳолат мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир эса, Буюртмачи Пудратчи олдида бундай қисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарликдан, шу жумладан неустойка тўлашдан озод этилади.

10.3. Агар форс-мажор ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўп вақтга чўзилса, у ҳолда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар кўрилишини муҳокама қиладилар.

10.4. Агар томонлар икки ой ичида келиша олмасалар, у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

XI. ҚУРИЛИШИ ТУГАЛЛАНГАН ОБЪЕКТНИ ҚАБУЛ ҚИЛИБ ОЛИШ

11.1. Қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш шартномани имзолаш санасида амалда бўлган белгиланган тартибга мувофиқ мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятлар томонлар тарафидан бажарилгандан кейин, шунингдек қурилиши тугалланган объектларни фойдаланишга қабул қилиб олишнинг белгиланган қоидаларига (шаҳарсозлик нормалари, қоидалари ва стандартларига в.б.) биноан амалга оширилади.

11.2. Қурилиши тамомланган объект ёки унинг участкалари (ишга тушириш мажмуалари) объектнинг тугалланганлиги ва у қабул қилиб олишга тайёрлиги тўғрисида пудратчи ташкилотнинг хабарномасидан кейин ишчи комиссия томонидан фойдаланишга қабул қилинади.

11.3. Пудратчи ташкилот ишчи комиссияга қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

- қурилиш-монтаж ишларини амалга оширишда иштирок этган ташкилотлар томонидан бажарилган ишларнинг турлари ва ҳажмлари ҳамда масъул ижрочилари кўрсатилган ҳолдаги рўйхати;

- қабул қилишга тақдим этилган йўлнинг техник лойиҳаси ва ишчи чизмалари тўплами, ижро схемалари;

- ёпилиб кетадиган ишларни қабул қилиб олиш далолатномалари;

- йўл-қурилиш материаллари ва йўл тўшамаларининг конструктив қатламларидан кесиклар (тупроқ жинслари) синовлари журналлари, мувофиқлик сертификатлари;

- ишларни бажариш журнали ва муаллифлик назорати журналлари (агар муаллифлик назорати юритилган бўлса);

- норматив ҳужжатлар талабидан келиб чиққан ҳолда қурилиш монтаж ишлари сифати устидан давлат назоратини ўтказувчи ташкилот томонидан кўрсатилган камчиликларни бартараф қилинганлиги тугрисидаги далолатномалари.

11.4. Объектлар уларнинг фойдаланишга тайёрлиги тўғрисида Пудратчининг ёзма билдиришномаси асосида Буюртмачи томонидан белгиланган тартибда қабул қилиб олинади.

11.5. Пудратчи йўл қурилиш ишлари тугалланган объектни қабул қилиб олиш бошланишидан 5 кун олдин мазкур шартноманинг V-бўлимига мувофиқ Буюртмачига Буюртмачи томонидан белгиланган таркибда икки нусхада ижро ҳужжатларини беради. Пудратчи Буюртмачига ушбу ҳужжатлар тўплами амалда бажарилган ишларга тўлиқ мос келишини ёзма равишда тасдиқлаши керак.

11.6. Қабул қилиб олинган пайтдан бошлаб объект давлат мулкига айланади ва ўрнатилган тартибда йўллардан фойдаланиш корхонаси балансига ўтади.

XII. КАФОЛАТЛАР

12.1. Пудратчи:

12.1.1. барча ишлар тўлиқ ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини;

12.1.2. лойиҳа ҳужжатларига ҳамда қурилиш меъёрлари, қоидалари ва техник шартларига мувофиқ барча ишларни бажариш сифатини;

12.1.3. ўзи томонидан қурилиш учун қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг лойиҳа ҳужжатларида кўрсатилган сертификацияларга, техник регламентлар ёки стандартларга мувофиқлигини;

12.1.4. ишларни қабул қилиш ва объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланган камчиликлар ва нуқсонларни ўз вақтида бартараф қилишни;

12.1.5. шартномада белгиланган кафолат муддати мобайнида объектдан фойдаланиш жараёнида нуқсонлар ва чала қилинган ишлар аниқланганда, ўз ҳисобидан бартараф этишни;

12.1.6. объектдан фойдаланилганда муҳандислик тизимлари ва ускуналарнинг фойдаланиш қоидаларига мувофиқлигини кафолатлайди.

12.2. Объект ва унга кирадиган муҳандислик тизимлари, асбоб-ускуналар, материаллардан фойдаланиш ва ишларнинг кафолатли муддати томонлар йўл қўрилиш ишлари тугалланган объектни қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатномани имзолаган кундан бошлаб, лойиҳа-смета, норматив, техник ҳужжатларда кўрсатилган муддат, бироқ камида 12 ой этиб белгиланади.

12.3. Агар объектдан фойдаланишнинг кафолатли муддатида аниқланиб, улар бартараф этилгунга қадар фойдаланишни давом эттириш имконини бермайдиган нуқсонлар аниқланса, у ҳолда кафолат муддати нуқсонларни бартараф этиш даврига узайтирилади. Нуқсонлар Пудратчи томонидан унинг ўз ҳисобидан бартараф этилади.

Мавжуд нуқсонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари Пудратчи ва Буюртмачи томонидан Шартноманинг 7.11-бандида назарда тутилган тартибда расмийлаштириладиган далолатномасида қайд этилади.

Агар Пудратчи бажарилган ишлардаги нуқсонлар ва чала ишларни, жумладан ускуналарнинг камчиликларини далолатномада кўрсатилган муддат ичида бартараф этмаса, Буюртмачи бу ҳолда амалдаги қонун ва меърий ҳужжатларга асосан жавобгарликка тортиш тўғрисида ўрнатилган тартибда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга мурожат қилиш ҳуқуқига эга.

12.4. Пудратчи нуқсонлар ва чала ишлар кўрсатилган далолатномани тузишдан ёки имзолашдан бош тортиш тақдирда, уларни текшириб чиқиш норматив ҳужжатлар талабидан келиб чиққан ҳолда қурилиш монтаж ишлари сифати устидан давлат назоратини ўтказувчи ташкилот томонидан амалга оширилади, бу томонларнинг ушбу масала бўйича ваколатли судига мурожаат қилишини истисно этмайди.

XIII. ШАРТНОМАНИ БЕКОР ҚИЛИШ

13.1. Буюртмачи:

13.2. шартнома кучга киргандан кейин қурилишнинг бошланиши Буюртмачига боғлиқ бўлмаган сабабларга қўра Пудратчи томонидан бир ойдан кўп вақтга кечиктирилганда;

ишларни тугатишнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортиқ муддатга қўпайган ҳолда, Пудратчи томонидан ишларни бажариш жадвалига (агар илова қилинган бўлса) риоя этилмаганда;

Пудратчи томонидан шартнома шартлари қурилиш меъёрлари ва қоидаларида назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

13.3. Пудратчи:

ишларнинг бажарилиши Пудратчига боғлиқ бўлмаган сабабларга қўра Буюртмачи томонидан бир ойдан ортиқ муддатга тўхтатиб қўйилганда;

Буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмаганда;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

13.4. Шартнома бекор қилинганда Буюртмачи ва Пудратчининг қўшма қарорига кўра тугалланмаган қурилиш 15 (ўн беш) кун муддатда Буюртмачига берилади, Буюртмачи бажарилган ишлар қийматини Пудратчига тўлайди.

13.5. Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилган томон мазкур бўлим қондасига мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

13.6. Шартнома бекор қилинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.

13.7. Шартноманинг бир томонлама бекор қилинишига йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

XIV. ТОМОНЛАРНИНГ МУЛКИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ

14.1. Томонлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарларни қоплайди, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига, №670-1. 29.08. 1998й. "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ва бошқа қонун ҳужжатларида, ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда жавобгарликка тортилади.

Пудратчи ташкилот қонунчиликка ва ушбу шартномага мувофиқ буюртмачи олдида қуйидаги ишлар бўйича мулкый жавобгардир:

сифатсиз бажарилган қурилиш-монтаж ишлари;

объектни ҳамда унинг босқичлари ва навбатларини белгиланган муддатда тугалланмаганлиги;

буюртмачи билан тузилган шартнома асосида қурилиш-монтаж ва бошқа ихтисослаштирилган ташкилотлар томонидан ускуналарни монтаж қилиш муддатларини бузилиши;

объектнинг лойиҳа-смета ҳужжатларида белгиланган ерларни рекультивация қилиш ишлари бажариш ҳажмлари ва муддатларининг бузилиши;

ишларни бажариш жараёнида ёки оралик қабул қилишда пудратчи, муаллифлик назорати ва бошқа назорат органлари томонидан аниқланган конструкция ва ишлардаги йўл қўйилган камчиликлар ва нуқсонларни бартараф этишни орқага суриш;

шартномада кўзда тутилган бошқа мажбуриятларни бажармагани ёки тўла-қонли бажармагани.

Пудратчи ташкилот томонидан ишларнинг бажарилишида пудрат шартномасидан чекиниш ёки бошқа камчиликлар мавжудлигида Буюртмачи, Пудратчидан ўз ихтиёрига кўра қуйидагиларни талаб қилиш ҳуқуқига эга:

Агар Пудратчи ташкилот нуқсонларни келишилган муддатларда бартараф этмаса, Буюртмачи ёки йўлдан фойдаланувчи ташкилот ўз кучи билан Пудратчи ҳисобидан нуқсонларни бартараф этиш ҳамда нуқсонларни ўз вақтида бартараф этилмаганлигидан келтирилган зарарни ва бажарилган иш қийматини ундириш ҳуқуқига эга.

14.2. Мазкур шартномада кўрсатилган, тегишли ғазна ҳисоб рақами орқали Пудратчини молиялаштиришни асоссиз кечиктирилганлиги учун Буюртмачи Пудратчига кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қийматининг 0,1% (фоизи) миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси молиялаштирилмаган сумманинг 10% (фоизи)дан ошмаслиги лозим.

Пеня тўланиши Буюртмачини шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган зарарни қоплашдан озод қилмайди.

14.3. Шартномага мувофиқ бажарилган ишлар ҳажмини тасдиқлашдан асоссиз равишда бош тортилганлиги учун Буюртмачи Пудратчига ўзи тасдиқлаши рад этган ёки бош тортган сумманинг 10 (бир) фоизи миқдорида жарима тўлайди.

14.4. Пудратчи томонидан қурилиш-монтаж ишларини тамомлаш ва ишларни топшириш (оралиқ ва якуний) муддатларини бузганлиги учун, Пудратчи Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун топширилиши кечиктирилган қурилиш-монтаж ишлари қийматининг 0.1 % (фоизи) миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси топширилиши кечиктирилган қурилиш-монтаж ишлари қийматининг ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 10% (фоизи)дан ошмаслиги лозим.

Пеня тўлаш Пудратчини ишларни бажаришнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган зарарларни қоплашдан озод қилмайди.

14.5. Агар Давлат назорати инспекциясининг текширувчи(назорати) натижасида бажарилган ишлар сифати белгиланган норматив-техник ва ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига, иш ҳужжатларига мувофиқ келмаслиги аниқланган тақдирда, Буюртмачи қурилишда Давлат назорати инспекциясининг ҳулосаси асосида объектни қабул қилиш ва унинг учун ҳақ тўлашдан бош тортишга, ҳақли. Пудратчидан сифати зарур даражада бўлмаган ишлар қийматининг 20 фоиз миқдорида жарима ундириш ҳуқуқига эга. Бундан ташқари, янги пудратчини аниқлаш учун танлов савдолари ўтказиш учун қиладиган харажатлари (янги лойиҳа буюртма қилиш, экспертиза, келишишлар, танлов ташкилотчига тўланадиган харажатлар ва бошқа қилинадиган харажатларни учун Пудратчи Буюртмачи олдида мулкый жавобгар ҳисобланади.

14.6. Буюртмачи томонидан топилган нуқсонлар ва камчиликлар ўз вақтида бартараф этилмагани учун Пудратчи Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 0.1 фоиз миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 10 фоизидан ошмаслиги керак.

Пеня тўлаш Пудратчини ишларини бажаришнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган зарарларни қоплашдан озод этмайди

14.7. Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги, ёки лозим даражада бажарилмаганлиги мазкур бандда назарда тутилган жазолардан ташқари шартномани бузган томон иккинчи томонга бошқа томон тарафидан қилинган ёки қилинадиган харажатларда, мол-мулкнинг йўқотилиши ёки шикастланишида, шу жумладан бой берилган фойдада ифодаланадиган пеня билан қопланмаган зарарларни қоплайди.

Буюртмачи Пудратчининг бажарилган ишлари ҳажмидан ёки молиявий ҳисоб-китобларлардан аниқланган камчиликлар натижасида Буюртмачига қайтариладиган маблағлар ва бошқа тўловлар бўйича мажбуриятларини ўз вақтида бажармаса, Буюртмачи ушбу маблағларни молиялаштириш учун ажратилган маблағлар ҳисобидан чегириб қолиш ҳуқуқига эга.

14.8. Муддат ўтказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня тўлаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод қилмайди.

14.9. Шартнома шартларига мувофиқ, Буюртмачи томонидан талаб қилинган ҳужжатлар, мониторинг маълумотларини тақдим қилиниши, шартномадан келиб чиқадиган бошқа номулкый талабларнинг бажарилиши кечиктирилган ҳар бир кун учун Пудратчи Буюртмачига базавий ҳисоблаш миқдорининг 1(бир) баравари миқдорида пеня тўлайди.

14.10. Пудратчи бажарган ишлар сифати, ҳажми ва яроқлилик муддатлари билан боғлиқ учинчи шахсларнинг Буюртмачига қилган даъволари, молиявий жарималар қўллаш бўйича талаблари учун Буюртмачи олдида мулкый жавобгар бўлади.

14.11. Буюртмачи Пудратчи томонидан ишларни бажариш учун жалб қилган учинчи шахслар ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлиги учун жавоб бермайди.

14.12. Пудратчининг вакили, раҳбари в.х. Объект бўйича бириктирилган Буюртмачининг вакили (вакиллари, ходимлари в.х.) билан олдиндан тил бириктириб ёки алдов, қистов, кўрқитиш, босим ўтказиш ва бошқа турли ноқонуний йўллари билан, амалда бажарилмаган ишлар ҳажмини Форма№5 ва уларнинг қийматини Форма№3 да киритиб, улар учун бюджет маблағларини қабул қилган тақдирда, бажарилмаган ишларнинг қиймати билан бир қаторда ўзганинг пул маблағларидан асоссиз фойдаланганлик учун банк фоизларини Буюртмачига тўлаб беришга мажбур.

14.13. Объектда ишларни олиб бориш жараёнида “Пудратчи” томонидан йўл қўйилган камчиликларни бартараф қилиш тўғрисидаги “Буюртмачи”нинг кўрсатмаларини ўз вақтида жавоб қайтармаганлик ёки ушбу кўрсатмалардаги талабларни 30 кунгача бажармаганлик учун “Пудратчи” “Буюртмачи” фойдасига, тегишли кўрсатма юборилган кунда амалда бўлган, базавий ҳисоблаш миқдорининг 10 баравари миқдоридаги, 30 кундан 60 кунгача бажармаганлик учун “Пудратчи” “Буюртмачи” фойдасига, тегишли кўрсатма юборилган кунда амалда бўлган, базавий ҳисоблаш миқдорининг 20 баравари миқдоридаги, 60 кундан ортиқ муддатида бажармаганлик учун “Пудратчи” “Буюртмачи” фойдасига, тегишли кўрсатма юборилган кунда амалда бўлган, базавий ҳисоблаш миқдорининг 30 баравари миқдоридаги бир марталик жарима тўлайди. Бунда жарима ҳар бирта ҳолат учун алоҳида ҳисобланади ва кейинги тўловлар суммасидан чегириб қолиниши мумкин. “Буюртмачи”нинг кўрсатмаларига жавоб тақдим қилиш муддати кўрсатманинг матнида аниқлашнинг имкони бўлмаса, жавоб қайтариш муддати кўрсатма олинган кундан бошлаб 7 кун деб ҳисобланади.

XV. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

15.1. Шартномани ижро қилиш жараёнида, уни ўзгартириш ёки бекор қилиш билан, шунингдек етказилган зарарларни қоплашда пайдо бўладиган низоли масалаларни талабнома юбориш йўли билан ҳал қилинади. Талабнома тартибида ҳал этилмаган низоли масалалар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда “Буюртмачи” жойлашган жойдаги ваколатли суд органи томонидан кўриб чиқилади ва ҳал қилинади.

15.2. Талабномани кўриб чиқиш ва жавоб қайтариш муддати-7 кун.

XVI. АЛОҲИДА ШАРТЛАР

16.1. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади, танлов ҳужжатлари бундан мустасно.

16.2. Пудратчи танлов савдоларида тақдим қилган ва уни танлов савдолари ғолиби деб топилшига асос бўлган танлов ҳужжатлари мазкур шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланади.

16.3. Пудратчи қурилиш объектига ёки унинг алоҳида қисмларига тегишли иш ҳужжатларини Буюртмачининг ёзма рухсатисиз, ёрдамчи пудратчилардан ташқари, бирон-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш ҳуқуқига эга бўлмайди.

16.4. Мазкур шартномага барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзоланган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.

16.5. Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чиқмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар қандай ахдлашувни томонлар мазкур шартномага қўшимчалар, ўзгартиришлар шаклида ёзма равишда тасдиқлаши керак.

16.6. Агар Пудратчи шартнома бўйича ишлар якунлангандан кейин қурилиш майдонида ўзига тегишли мол-мулкни қолдирса, у ҳолда Буюртмачи Пудратчи қурилиш майдонини озод қилиш санасигача бажарилган ишлар учун унга ҳақ тўлашни кечиктиришга ҳақлидир.

16.7. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган 2 нусхада тузилди.

16.8. Мазкур шартнома томонлар тарафидан имзоланиб, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Газначилигида рўйхатга олинган кундан бошлаб кучга киради.

16.9. Шартнома кучга кирган кундан бошлаб томонлар ўз вазифаларини бажаришга киришади, шунингдек мазкур шартнома бўйича ҳуқуқ ва мажбуриятлари вужудга келади.

16.10. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳолатлар учун амалдаги қонун ҳужжатлари нормалари қўлланилади.

16.11. Пудрат шартномасига илова қилинадиган ҳужжатлар рўйхати:

- Қурилиш-монтаж ишларини бажариш жадвали.
- Ишларни (босқичларга бўлган ҳолда) молиялаштириш жадвали.
- Танлов ҳужжатлари.

ХVII. ШАРТНОМА АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

17.1. Шартнома Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Газначилигида рўйхатга олинган кундан бошлаб шартномавий мажбуриятлар тўлиқ бажарилгунга, шу жумладан кафолат муддати якунлангунга қадар амал қилади.

17.2. Шартноманинг амала қилиш муддати тугаши, унинг талаблари лозим даражада бажарилмаганлиги ёки бузилганлиги учун тарафларни жавобгарликдан озод қилмайди.

ХVIII. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛГОҲЛАРИ ВА ТЎЛОВ РЕКВИЗИТЛАР

«Буюртмачи» «Бухоро МЙБХ» ДУК	«Пудратчи» BUXORO SANOAT МЧЖ
Манзили: Бухоро ш. Ок масчит кўчаси 8-уй Телефон : 95-420-40-60 Ш.х/р 304521860064017045129118280 Бюджетдан маблаг олувчи СТИР 304901663 ИФУТ 70100 Газначилик булинмаси номи: Бухоро Вилоят Газначилик бошқармаси Газна х/в 23402000300100001010 Банкнинг номи: Тошкент ш. Марказий банк ХККА МФО 00014 Газначилик бўлинмаси СТИР 201122919	Манзил: Бухоро шаҳар Саноатчилар кўчаси 13-уй Тел: (91) 647-00-47 х/р: 20208000600286882001 банк: Тошкент ш АТБ: ҚҚБ Бош амалиётлар бошқармаси МФО: 01037 СТИР: 201429130 ИФУТ: 42110
Директор:  И.И.Амонов М.Ў	Директор:  Ш.Усмонов М.Ў

«Бухоро МЙБХ» ДУК

Бош юрисконсулт :

Гувоҳнома ЮК №004356,

Бухоро вилоят Адлия бошқармаси томонидан
30.03.2017 йилда берилган.

 **У.У.Хамидов**

BUXORO SANOAT МЧЖ

Юридик хизмати:



